

Барча ислоҳатлар халқ манфаатлар учун

Барча ислоҳатлар **халқ манфаатлар учун** албатта, бу шиор остида амалга оширилаётган ишлар кўлами салмоқли натижаларга олиб келганлигини эътироф этиш жоиз

Халқ депутатлари Узун туман Кенгаши депутати Бердиев Қудрат Холматович ҳамда “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жасур Саидовлар "Ёшлик" маҳалласидаги фуқароларнинг муоммоларини хонадонбай уйма- уй юриб ўргандилар.

Мурожаатлар асосан ишсизлик, уй томларидан чакки томиши, ногиронлиги бор шахсларнинг дори-дармонлардан қийналишаётганлиги, мактабгача таълим муассасаларига болаларини жойлаштиришдаги муоммолар юзасидан аҳоли томонидан билдирилган мурожаатлар назоратга олиниб, ҳал этиш учун тегишли мутасадди ташкилотларга етказилиш чоралари кўрилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир мурожаат замирида инсонлар тақдири ётибди. Хонадонбай юриб ҳар бир фуқаро мурожаатларига ижобий ёндашдилар.





